

# Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, муस्ताқил Ўзбекистон!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADO LAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 29 (939)

2013-yil, 19-iyul, juma

## “Хирмон тўлиб, тўкилди дон...”



Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳам партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

(Ўзбекистон «АДОЛАТ» СДП сайловолди дастуридан)



### Муносабат

Дунёда нонни ўзбекдай қадрлайдиган халқнинг ўзи бўлмаса керак. Нон — ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки. Кексаларимиз бировни алқаганида бежиз “Нондай азиз бўл” дейишмайди. Ноннинг бир ушоғи тушиб кетсаям, олиб кўзга суртишади, таов қилишади. Меҳмоннинг хурматиға нон олиб келинади. Икки ёшнинг бахтли ҳаёти нон синдиришдан бошланади.

Кўп нарса қиёслашларда маълум бўлади. Эътибор беринг, мустақилликка эришган 1991 йили юртимизда бор-йўғи 940 минг тонна галла ҳосили етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик 17 центнерни ташкил этган, холос. Бу сўғориладиган ерларда-я! Табиийки, бундай кўрсаткичлар билан Марказга ёки бошқа республикаларга

қарам бўлиб яшаларди-да.

Тан олайлик, мустақиллик туфайли қишлоқ хўжалиги соҳасида мисли кўрилмаган даражада қўламли ислохотлар амалга оширилди. Энг асосийси эса, ер ўз эгасини топди.

Омилкор деҳқон бир йил ичида ерни гуллатиб-яшнатиб юборади, деса ишонаверинг. Тўғри, кимёвий дориларга

ўрганиб қолган, шўр босиб кетган, шу сабабли ҳосилдорлиги пасайган заминни асл ҳолига келтириш осон кечмади. Аммо биз деҳқонлар бу ишнинг удасидан чиқдик.

Ахир бу осон ишми, йигирма йил ичида ҳосилдорлик 3 баробарга (!) ошди, умумий ҳосил эса етти баробардан кўпроққа! Бу йилги хирмонимизни кўринг, ҳавас қилинг: юртимиз тарихида биринчи марта 7 миллион 610 минг тонналик галла ҳосили олинди, ҳосилдорлик ўртача 55 центнерга етказилди! Энди мана бу рақамга алоҳида эътибор қаратинг: ҳосилнинг 50 фоизи ёки 3 миллион 524 минг тоннаси фермер хўжаликлари ичтирағи қолдирилди. Бу ахир халқнинг омбори тўла дон, рўзғорида эса ободлик, қут-барак дегани-ку. Бу янги-янги

уйлар, тўйлар, байрамлар дегани-ку.

Замон ўзгармоқда. Ҳаёти-мизга фан-техника янгиликлари, инновацион технологиялар кириб келмоқда. Энди фермерларнинг онги, дунёқараш бошқача. У ҳар бир ишни ҳисоб-китоб билан, ҳам бугунни, ҳам яқин ва узоқ келажакни ўйлаган ҳолда амалга оширмоқда. Биргина мисол. Бир неча йил бўлиб қолди, биз мўл ҳосил етиштиришда замонавий агро-технологиялар билан бир қаторда даврлар синовидан ўтган тажрибалардан ҳам фойдаланаяпмиз.

Мен ўзим 2006 йилдан бери деҳқончилик қиламан. Хўжалигимизга бу йил ўзимизнинг иқлим ва еримизга мос галла уруғидан эдик. Табиат инжиқликларига қарамасдан, гектаридан 80 центнердан ҳосил

олиб, режани ошиғи билан адо этдик. Натихада ҳосилнинг ярми ўзимизнинг ихтиёримизда қолди. Буни пулга чаксангиз, эҳ-ҳе, ҳар бир ишчимизнинг миллионерга айлангани ўз-ўзидан аён бўлади-қолади. Айни пайтда тадбиркорликка ҳам қўл урдим. Қишлоғимизда тикув цехини ташкил этиб, янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Шу мақсадда қизим билан биргаликда маҳаллий хотин-қизларни тикувчилик касбига ўргатаёпмиз. Қолаверса, Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг туман кенгаши депутати сифатида йиғинимиздаги Сайидон, Уйбей, Сусана қишлоқлари йўлларини асфальтлаштириш ишларига, мактабларда спорт залларини қуриш ва таъмирлаш ишларига ҳисса қўлишни ният қилиб турибман.

Юртимизда галла режаси адо этилган кун Президентимизнинг бизга йўллаган қутловини чин қалбдан қувониб эшитдик. Юртбошимиз “...э-юртимиз бу ютук қандай оғир ва машаққатли меҳнатингиз, азму шижоатингиз эъзизига қўлга киритилганини яхши биллади ва юксак қадрлайди”, дея бизнинг камтарин меҳнатимизга яна бир юксак баҳо берганини эшитганимда ҳамма қатори мен ҳам қувондим, ҳаяжонлиб кетдим.

Ҳа, бу йилги режа ошиғи билан адо этилди. Олдинда бизни янги зафарлар, янги ютуклар кутмоқда. Уларнинг ҳаммасига эса ишнинг кўзини билиб ҳалол меҳнат қилиш орқали эришилади. Биз фермерлар бундай шарафли, қадрини топаётган меҳнатга ҳаммиша тайёрмиз.


Нусрат КАРИМОВ,  
Бухоро вилояти, Пешку туманидаги «Некбой Умид» фермер хўжалиғи раҳбари,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси

## «O`ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби «Ўзбекистон» нашриёти томонидан лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувида нашрдан чиқарилди.

Маълумки, 2011 йили эълон қилинган бу китоб мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серкирра фаолиятини акс эттиради.

Ўтган давр мобайнида бу фундаментал асарга бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайиб бормоқда. Мамлакатимиз ва хориждаги таниқли эксперт ва таҳлилчилар, кенг жамоатчилик томонидан ушбу китоб Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришиш йўлида халқимиз босиб ўтган гоёт оғир ва машаққатли кўрашлар йўлини ёритишда энг ишончли манба сифатида баҳо-ҳоланиб, вақт ўтиши билан унинг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва амалий қиммати, жумладан, ўтмишни англаш, бугунги кунни қадрлаш



ва келажакка ҳушёр ва сергак назар билан қараб яшашга ўргатишдаги аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланмоқда.

2 ➤

## Очиқлик, хабардорлик ва ҳозиржавоблик

### Парламент назорати

Самарқанд вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг кенгайтирилган қўшма йиғилишида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқароларнинг мувожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Самарқанд вилоятидаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

5 ➤

## Лойиҳа амалиётда

### Ҳуқуқий эксперимент

Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Президентимиз томонидан илгори сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ҳам ушбу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

6 ➤

## Мажбурий таълим олишга тўсқинлик маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади



### Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг қонун лойиҳалари муҳокамаларига бағишланган навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, Қонунчилик палатаси қўмиталари вакиллари, вазирлик ва идоралар масъул раҳбар ходимлари, партия экспертлари, фаоллар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган мажлисни фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари С.Турсунов олиб борди.

2 ➤

## Зулфияхоним қизлари

### “Адолат”ни танлашмоқда

#### Тадбир

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан “Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!” шиори асосида ижтимоий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, Зулфия мукофоти совриндорлари, иқтидорли ёшлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди.

— Буюк шоирамиз издошларига кўрсатилётган эҳтиром ва ғамхўрлик намунаси сифатида ҳар йили Зулфия мукофоти совриндорларининг анжуманини ўтказиш аънағана айланган. Анжуман фақатгина байрам руҳидаги тантанали тадбир бўлиб қолмасдан, балки муҳим гоёвий ва маънавий мақсадни олға сурмоқда, — деди Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова. — Мухтарам Президентимиз

5 ➤

# Сиёсат

## «O'ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA»

Давом. Бош 1-бетда

Тўпламда давлатимиз раҳбарининг 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга қадар, яъни республикаимиз раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи кунидан бошлаб мустақил Ўзбекистон Президентини этиб сайлашни ва ўз вазифасини бажаришга киришиш санасигача бўлган даврда сўзлаган нутқ, маъруза, мақола ва интервьюлари, Ўртбошимиз томонидан имзоланган фармон, қарор ва қонунлар ўрин олган.

Бугунги кунда тарихнинг ноёб мулкига айланган бу ҳужжатлар ҳар томонлама ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, таҳлилий руҳи, муаллифнинг улкан интеллектуал салоҳияти, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишга қаратилган принципиал позицияси, нотиклик маҳоратини ёрқин акс эттириши билан ҳеч қимни бепарво қолдирмайди. Кўпгина нутқ ва маърузаларнинг матнлари архив ҳужжатлари асосида тиклангани, яъни

тўплам бутунлай бирламчи, асл манбалар асосида тузилгани унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади.

Маъмур асарда республикаимизда ҳукм сурган гоёт мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятда халқимиз бошидан кечирган таҳликали воқеалар хронологик тарзда, кетма-кет ёритилмасдан, ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва ҳулосалар орқали ифода этилади. Уларнинг барчасини мустақиллик гоёси, таъбир жоиз бўлса, бамисоли қизил ип каби бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тўплам яхлит асар сингари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Ўзида сиёсий-иқтисодий, гоёвий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунлиқда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин

бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Президент Ислам Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китоби истиқлол туфайли асл илдилашимизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганимиз, авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимизнинг ноёб тарихий солнома-сидир.

Китобнинг лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувидаги янги нави биз учун энг эзгу, энг азиз қадриятга айланган ана шу тарихий ҳақиқатни халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришда, ҳеч шубҳасиз, гоёт муҳим аҳамият касб этади.



Хусан АСРОПОВ

## Мажбурий таълим олишга тўсқинлик

### маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади

Давом. Бош 1-бетда

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда фракция муҳокамасига ҳавола этилди.

Маъмур масала юзасидан маъруза қилган куйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзосининг таъкидлашча, таълим тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан тегишли назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадига Бош прокуратура томонидан болаларнинг умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий механизмлар ўрганилганда амалга ошириладиган чора-тадбирларга қарамадан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларнинг мажбурий таълим олишларини таъминлаш борасидаги мажбуриятлари, ҳар доим ҳам тўлиқ бажарилмаётгани аниқланди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни-нинг 3-моддасида умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим мажбурийлиги, 30-моддасида эса, ота-оналар (қонуний вақиллар)нинг вояга етмаган фарзандларини умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олишлари учун жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Аммо умуммажбурий ўн икки йиллик таълим олиш жараёнида болалар вояга етмади, яъни улар 18-19 ёшга тўлади. Бу ўз навбатида маъмур нормани вояга етган болаларнинг ота-оналарига қўллашга тўсқинлик қилади.

Таҳлилларга қараганда, 2012-2013 ўқув йилида академик лицей ва касб-хунар коллежларида сабабсиз дарс машғулотларига қатнашмаган 13153 нафар ўқувчиларнинг 3939 нафари ёки 30 фоизи ўн саккиз ёшга тўлган бўлиб, уларнинг вояга етганлик ҳолати ота-оналарни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида назарда тутилган норма (Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятлари бажармаслик) билан жавобгарликка тортишни истисно қилади.

Шу боис, болаларнинг мажбурий ўн икки йиллик таълим олишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий механизмларни таъминлаштириш мақсадида маъмур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга қўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Киритилмаётган нормага асосан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан фарзандларини мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими олишига тўсқинлик қилганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жазога тортилди.

Қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизгин муҳокама қилинди. Лойиҳа юзасидан тақлим ва тавсияларини, фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Хусусан, мустақил йилларида мамлакатимизда болаларнинг сифатли ва ҳамма учун очиқ умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим олишлари учун барча шароитлар яратишга қаратилган бир қатор ташкилий

ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилганлигини алоҳида қайд этишди. Улар кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши намуналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, таълим сифатини ошириш бўйича қўшимча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш партия сайловолди дастурига асосий қисми бўлиб қўшимча таълим олиш жараёнидаги масъулиятини янада кучайтиришга қаратилганлиги ва бу партиянинг мафкуравий гоёларига ва дастурий йўналишларига тўла мослигини таъкидлашди.

«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда фракция муҳокамасига тақдим этилди.

Ушбу масала юзасидан ахборот берган қонун лойиҳасига масъул қўмита вакили қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда тайёрланиш жараёнида фракциялар ва депутатлик гуруҳи томонидан билдирилган тақлифлар чуқур ўрганилганини ва шу асосида қўмита томонидан иккинчи ўқишга тайёрланганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 17 декабрдаги «Хусусий банк ва молия ин-

титутлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни амалга оширишга доир чора-тадбирлар режасининг 2 ва 3-бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган маъмур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши «Адолат» СДПнинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳар томонлама мос келади. Зеро, партия сайловолди дастурида партия «иқтисодий дастурига давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмийликни унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори» эканлиги алоҳида қайд этилган.

Шунингдек, мажлисда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда қизгин муҳокама қилинди. Муҳокама қилиниши депутатлар Ўзбекистон «Адолат» СДП позициясини келиб чиққан ҳолда ўз тақлим ва мулоҳазаларини билдиришди, уларни қўллаб-қувватладилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фарҳод ЭСОНОВ, «Адолат» мухбири

## “Чортоқ шифобахш суви”

### яна истеъмолчилар дастурхонида

#### Намангандан дараклар

Бир пайтлар «Чортоқ» сийҳатгоҳининг доврўги баянда эди. Айниқса, унинг шифобахш суви. Дам олувчилар эрталабдан турнақатор навбатга туриб, шу сувни сотиб олишарди.

Ниҳоят, ушбу шифобахш неъмат яна истеъмолчилар дастурхонига қайтди. Сийҳатгоҳ ҳудудида жойлашган «Чортоқ маъданли суви» масъулияти чекланган жами-

ятида модернизация ишлари поёнига етказилди. Қарийб 180 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига хориждан келтирилган замонавий дастургоҳлар ўрнатилди. Натижанда

корхонада йилига 500 минг дона маъданли ичимлик сувини қадоқлаш имконияти юзага келди. Эътиборлиси, янги лойиҳа шарофати билан 18 кишининг бандлиги таъминланди.

Айни пайтда «Чортоқ шифобахш суви» ёрлиги остида икки хил ҳажмдаги идишларга қадоқланган обихаётнинг дастлабки туркуми савдо дўконларига етказиб берилди.

сида ишлаб чиқарилган технологик линия олиб келиб ўрнатилди. Тўлиқ автоматлаштирилган маъмур дастургоҳлар ёрдамида эндиликда кунига 3 тонна нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Савдолим АБДУРАҲМОНОВ, «Адолат» мухбири


## Самара

Яқинада Норин қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг озиқ-овқат йўналиши мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлаган Сарварбек Хурсаналиев Ҳаққулобод шаҳрида янги ташкил этилган «Иссиқ нон» корхонасида иш бошлади. Энди у мустақил равишда корхонадаги автоматлаштирилган замонавий дастургоҳни бошқармоқда.

“Учқўрғон дон маҳсулотлари” очиқ акциядорлик жамияти томонидан ажратилган

800 миллион сўмлик инвестиция эвазига корхонага Германиянинг “Вахтел” фирма-

## Энг улуғ ва азиз айём



#### Муносабат

Ўтаётган ҳар бир кун бизни халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами — Мустақиллик кунига тобора яқинлаштирмоқда. Мамлакатимизда бу шонли сана кенг миқёсда нишонлаш учун тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир қайси бир шаҳар ёки қишлоққа борманг, ажойиб айёмни муносиб кутиб олиш учун қизгин ҳозирлик кўриладиганлигининг устидан чиқасиз. Бутун Ўзбекистон тақдирини ўзгартириб юборган бу воқеа ҳар бир юрдашимизнинг ҳаётида ўчмас из қолдириди.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг мустаҳкам иродаси, қатъияти ва матонати, истиқлол гоёларига садоқати туфайли турли синов ва қийинчиликларга қарамай Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида

ўзига муносиб ўринни эгаллади ва обрў-эътибор қозонди. Ахир, 22 йил олдин ҳам дунёнинг олис ва яқин манзилларида Ўзбекистонни танимаганликларини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Шунинг учун

ҳам Мустақилликдаи ноёб ва буюк неъматнинг қадрини йил сайин ошиб бораверарди.

Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобига қолиб кетган таҳликали пайтларни яхши эслаймиз. Ўша даврда мамлакатимиз раҳбарияти вужудга келган вазиятни яхши томонга ўзгартириш йўлида қатор чораларга қўл ўргани яхши самара берди. Айниқса, Президентимиз томонидан аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратилиш ҳақидаги фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги жуда кўплаб, ўн йилликлар давомида яхши етилган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда катта роль ўйнади. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида мамлакатда 2,5 миллион оилага томорқа ва яққа тартибда уй-жой қуриш учун ерлар ажратиб берилди. Бу эса адолатсизлик гирдобига қолган, эртанги кундан умидини узган инсонларнинг ёрқин ҳаётга ишончини қайтарди. Жамиятда тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Вақт ўтган сайин Ўзбекистон халқи танлаган миллий та-

раққиёт йўлининг тўғри ва халқчиллиги амалиётда ўз исботини топа борди. Асрлар бўйи шаклланган бой илмий, маънавий-маърифий меросдан баҳраманд бўлиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Давлатнинг буюк келажагини таъминлайдиган, озод ва обод Ватан манфаати йўлида тинч-май меҳнат қиладиган баркамол авлодни вояга етказиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлиги, таълим-тарбия уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилгани устувор аҳамиятга эга бўлди. Бугун Ўзбекистон демократик янгилик ва тараққиёт йўлида ўзининг буюк келажаги сари дадиллик билан одимламоқда, иқтисодий салоҳияти мустаҳкамланиб бормоқда, халқимизнинг фаровонлиги, турмуш тарзи, харид қуввати ўсаяпти. Одамларнинг бугун дунё ҳавас қиладиган тинч-тотув ҳаёти, кўпмиллатли халқимизнинг ўзаро аҳил-иноқлиги, ер юзидаги ривожланган кўплаб мамлакатлар иқтисодий таназзул таъсиридан чиқа олмай, ижтимоий муаммолар гирдобига дуч келиб турган бир пайтда, мамлакатимизда иқтисодий

ривожланиш барқарор давом этаётгани энг катта ва муҳим ютуқларимиздан бири десак, янгиликларимиз бўлапти.

Мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиб бораётганлиги, бу улуғ мақсад йўлидаги сий-ҳаракатлар самарали натижалар бераётгани кишини қувонтиради, албатта. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган ширини асосий гоё сифатида белгилаб, тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўяр эканмиз, миллатимизни жаҳон ҳамжамияти олдига намоеён этаётган фуқароларимизнинг дунёқароши ва тафаккури, ҳаётга муносабати ўзгариб бораётгани кўзга ташланади. Халқимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий савияси ўсиб бораётганлиги одамларимизда амалга ошириладиган ислохотларга, фаровон ҳаётга дахлдорлик туйғусини теран ҳис этаётганликларидан ҳам сезилмоқда.

Хизмат вазифаси тақозосига қўра тез-тез аҳоли истиқомат жойларида, меҳнат жамоаларида бўлам.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутати сифатида Наманган шаҳридаги 40-Сардоба сайлов

округи сайловчилари билан учрашдим. Фуқаролар билан мулоқотлар педагогика коллежи, 38, 43-умумтаълим мактаблари, Наманган давлат университетини қўшиб 2-академик лицей ва бошқа аҳоли истиқомат жойларида бўлиб ўтди. Тадбирларда ўттиздан зиёд маҳалла фуқаролар йиғинларининг вақиллари иштирок этидилар.

Бу галги учрашувлар аввалгиларидан анчагина фарқли бўлди. Одамлар илгаридек, қандайдир турмуш иқир-чиқирлари тўғрисида эмас, балки жамиятни ўйлантираётган жиддий масалалар, мамлакатимизни янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар изҳор этишди. Кўзга ташланаётган энг катта тафовут сайловчиларнинг парламентда қабул қилинаётган қонунлар ҳақида афрофлича маълумотларга эга эканликларини бўлди. Масалан, мулоқотлардан бирини меҳнат фахрийси, “Эл-юрт хўрмати” ордени соҳибини Собитхон Қамбаралиев шундай деди:

— Қарийб ўн йилдан бери “Адолат” партияси олиб бораётган ишлар билан қизиқиб тураман. Оиламиз аъзолари билан биргаликда сайловларда шу партия номзодлари учун

овоз бериб келамиз. Менга партия илгари сураётган гоёлар ва электрлот манфаатига мос тақлифларни ишлари суришаётгани маъқул тусади.

“Шаршара” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Мансуров эса шу йил қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маҳалла нуфузини янада оширишдаги аҳамиятли беқиёс эканлигини эътироф этди.

Албатта, эришилган юксак марралар билан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Бироқ хотиржамликка берилишга, ортиқча мағрурланишга ўрин йўқ. Зотан, Президентимиз қароридан таъкидланганидай, ҳаммамиз қандай шиддатли ва нотинч замонда яшаётганлигини инобатга олган ҳолда иш тутишимиз лозим. Яъни тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, Ватанимиздаги аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачигидай асрашимиз ҳамда янада мустаҳкамлашимиз талаб этилади.

Ойшахон ОХУНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

# Акциядорлар ҳуқуқлари янада мустаҳкамланмоқда

## Қонун ижодкорлиги

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунни танқидий қайта қўриб чиқиш, уни янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида аниқ кўрсатмалар берилган эди. Яъни унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш, қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, ихтиёрида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини таъминлаш, барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниясининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш каби мақсадлар ўрин олиши кераклиги қайд этилганди.



Феруза ОМОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракция аъзоси

Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг муҳокама этилмоқда.

фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари мазкур қонун лойиҳасининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Кенг қамровли мазмунга эга ушбу қонун лойиҳаси 13 та бўлим, 118 та моддadan иборат бўлиб, унда бир неча муҳим йўналишлар бўйича қоида ва нормалар ўз аксини топган. Жумладан, лойиҳада акциядорлик жамиятларининг шакллари, яъни очик ва ёпиқ акциядорлик жамиятларини чиқариб ташлаш кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган акцияларни очик ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги нормалар киритилмоқда, бу билан акциядорлик жамиятларидаги бошқарув органларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ нормалар ўрин олган.

Жумладан, Кузатув кенгашининг роли ва жавобгарлигини ошириш мақсадида лойиҳага ушбу кенгашнинг йирик битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилиш, жамият устав фондини ошириш, устав фонд ошириш муносабати билан низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ

миқдорини белгилаш, жамиятнинг ички назорат органлари ҳисоботини тинглашда ҳуқуқларини кенгайтириш меъёрлари киритилган.

Қонун лойиҳасида жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарорларини сурункали равишда бажармаслик ижро органи билан тузилган шартномани тугатиш (бекор қилиш)га асос бўлиши белгиланмоқда. Мазкур норма орқали жамиятнинг коллегиял ижро органи аъзолари билан шартномаларни тузиш тартиби, яъни коллегиял ижро органи аъзосининг функциянал мажбуриятларини бажариши, шунингдек, унинг коллегиял ижро органи аъзоси сифатида келиб чиқадиган мажбуриятлари ва коллегиял ижро органининг жамиятга етказилган зарар бўйича жамият ва акциядорлар олдидagi жавобгарлиги аниқлаштирилмоқда.

Қонун лойиҳасига жамиятнинг Тафтиш комиссияси роли ва жавобгарлигини оширишга қаратилган моддалар ҳам киритилмоқда. Масалан, мазкур комиссия аъзоларига малакавий талабларнинг ўрнатилиши, бир шахснинг Тафтиш комиссияси аъзолигига кетма-кет икки мартабадан ортқ сайланишига чеклов ўрнатилганлиги шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, акциядорлар умумий йиғилишида йирик акциядорларнинг иштирок этмаслиги ва бунинг оқибатида қворум мавжуд бўлмагандаги ҳолатда йиғилиш ўтказилмаслиги ҳолатлари уч-

рамоқда. Бу нафақат жамиятнинг молия-ҳўжалик фаолияти, балки ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ корпоратив қарорларни ўз вақтида қабул қилинмаётганлигига сабаб бўлмоқда. Айнан шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида халқаро тажрибалар асосида қонун лойиҳасида акциядорларнинг янги чиқарилган Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланиши тўғрисидаги меъёр киритилмоқда. Шунингдек, акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатига берилган масалалар бўйича тезкор қарор қабул қилинишини таъминлаш мақсадида ушбу йиғилишларни ўтказиш муддати 30 кундан 10 кунга қисқартирилаётгани, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатлари ҳақидаги нормаларнинг киритилаётгани ҳам ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамияти томонларидан биридир.

Қонун лойиҳасида акциядорлар ва потенциал инвесторларнинг акциядорлик жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш имконияти билан боғлиқ нормалар акс этгани ҳам диққатга сазовордир. Яъни, акциядорлик жамияти фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида акциялар фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамияти томонидан фонд биржаси сайтыда жамиятнинг устави ҳамда унга киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар матнини чоп этишнинг мажбурийлигини назарда тутувчи меъёр ўрнатилмоқда. Бу эса, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастуридаги бошқарувда ошқоралик, очкилик ва ҳисобдорликни таъминлаш тамойилларига тўла мос келади.

Шу ўринда алоҳида эътироф этиш жоизки, мазкур қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасидаги Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳузурида тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида

атрофлича ўрганилмоқда.

Шу мақсадда қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда мазкур қонун лойиҳаларининг концептуал асослари юзасидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мутасадди вазирилик ва идоралар ҳамда акциядорлик жамиятларининг вакиллари ва акциядорлар, экспертлар, мутахассислар, тадбиркорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик ўртасида, манфатдор вазирлик ва идоралар, барча акциядорлик жамиятлари, акциядорлар, тадбиркорлар билан биргаликда ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда жойлардан бўладиган барча тақлиф ва тавсияларни умумлаштиришдир.

Жойлардан билдирилган қўпқаб тақлиф ва тавсиялар, фикр-мулоҳазалар жамланган ҳолда Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳузурида тузилган махсус ишчи гуруҳи томонидан умумлаштирилди ва айни пайтда улар ўрганилмоқда. Ушбу тақлиф ва тавсиялар ҳамда фикр-мулоҳазалар қонун лойиҳаларини янада такомиллаштиришга ва мазкур қонунлар қабул қилинганда кейин эса уларнинг амалиётда самарали ижросини таъминлашга хизмат қилади, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши акциядорлик жамиятлари фаолиятини янада такомиллаштиришга ҳамда улардаги бошқарув ва назорат органларининг жавобгарлигини ошириш, миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш институтини яратди, акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар олишига кенг имконият беради.

Феруза ОМОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракция аъзоси

# Халқ ишончини оқлаш

## Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Фарғона вилояти Кенгашидаги депутатларнинг пировард мақсадидир

### Депутатлик гуруҳларида

— «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилаётир, — дейди халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Наримон ШОДИЕВ. — Мазкур қонун асосида яратиб берилаётган ваколатдан унумли фойдаланиш натижасида депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ошди, жамоатчилик назорати функцияси таъсирчанлиги кенгайди.

Айни вақтда Фарғона вилоятида халқ депутатлари вилоят Кенгашида 6 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 55 нафар партия вакиллари 8 та депутатлик гуруҳларига бирлашган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. Демак, масъулият ҳам шунга яраша бўлиши керак. Маълумки, парламент томонидан бу йил бир қатор қонунлар қабул қилинди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришди. Аммо бунинг мавсумий тадбирга айланмаган, қонунлар ижроси масаласини доимо назоратга олишимиз керак. Бошқача айтганда, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини қанча кенг тарғиб қилсақ, электрорат учун шунча имконият яратилади. Улар ижросини назорат қилиш ҳам Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг асосий вазифасидир.

Депутатлик гуруҳларининг фуқаролар қабулхонасини ташкил этиш туфайли ўтган йил депутатлар қабулхоналарига сайловчилардан 231 та турли

мавзуларда ёзма ва оғзаки муурожаатлар келиб тушган бўлса, жорий йилнинг ўтган олти ойида бу кўрсаткич 181 тани таъкил этмоқда. Ҳар бир муурожаат, у қандай масалада бўлмасин, депутатлар назаридан четда қолаётгани йўқ. Муурожаатларнинг аксарияти ижобий ечим топаётганлиги аҳолининг депутатлар фаолиятига ишончини оширмоқда.

Мисол учун, Фарғона шаҳридаги «Шаршара» МФЙ фуқаролари томонидан мазкур ҳудудга қарашли маҳалла гузарининг ноқонуний сотиб юборилгани, унинг маҳаллага қайтарилишида амалий ёрдам сўраб қилган муурожаатлари чуқур ўрганилиб, депутатлик сўрови асосида ижобий ҳал этилди.

Айни пайтда ҳам депутатлик гуруҳи аъзоларининг вилоят Кенгаши доимий комиссияларидаги фаолияти вилоят аҳолиси манфаатларига, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишига хизмат қилаётти, дейиш мумкин. Сайловчиларнинг тақлифлари юзасидан ви-

лоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилиб, назоратга олинмоқда. Йилнинг ўтган даврида юборилган 11 та сўровдан аксарияти ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, депутатлар халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари кун тартибига бир нечта масалаларни муҳокама учун киритишга ҳам эришмоқдалар. Жумладан, вилоят Кенгашининг шу йил бўлиб ўтган 28-сессиясида 9-синф битирувчиларни коллежаларда тўлиқ қамраб олиш ва битирувчиларни иш билан таъминлаш масаласи муҳокама этилиб, ушбу масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, депутатлик гуруҳи томонидан Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 мартдаги «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича ҳам навбатдаги сессия кун тартибига масала тайёрланмоқда. Зеро, «Энергия те-

жамкорлиги ва муқобил энергетика»ни жорий этиш масаласи Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг «Обод турмуш йили»даги фаолиятининг асосларидан бири саналади.

Дарвоқе, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари ижросини таъминлаш, фуқаролар муурожаатлари асосида аниқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатлар ваколатидан фойдаланиш тажрибасини мустаҳкамлаш ва соҳадаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгашининг Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлинимаси билан ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирлари ҳам ўз самарасини бераётти.

Маълумки, депутатлар корпуси фаолияти сайловчи ишончини қай даражада оқлаётгани билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам Давлат ва ҳудудий дастурлар, ижтимоий-иқтисодий масалаларда депутатларимиз фаолиги кучайтириляпти. Сайловчилар билан учрашувлар изчил ўтказилмоқда. Бошланғич ташкилотлар, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳи йиғилишларида ҳам сайловчилар билан мулоқотларда кўтарилган масалалар обдон муҳокама қилиниб, маҳаллий кенгаш сессияларига киритилаётти. Аммо режа асосида амалга

оширилаётган бу ишлар натижасини баъзи ҳудудларда ҳали талаб даражасида, деб бўлмайдди. Демак, электрорат билан ишлашни кучайтириш, партия сафини иқтидорли ёшлар билан мустаҳкамлаш, яъни кучли кадрлар захирасини яратиш лозим. Сиёсий таълим йўналишидаги ўқувлар ва партиявий лойиҳалар ҳам янада такомиллаштирилиши керак. Бу, ўз навбатида, барча бўғинлардаги фаолиятимизни сифат жиҳатдан кучайтиришни тақозо этади, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиш мақсадида депутатлик гуруҳи аъзоларининг ҳар бирига муҳим вазифалар юклаган.


Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишларни партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар асосида амалга оширишга интиляпти.

Бахтиёр АЛИЕВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши матбуот котиби

### Тарғибот

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Тошпўлат Матибаев «Ўзбекистон Темир йўллари» ДАТК ва «Ўзтемирийўйловчи» ОАЖда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда ўтказган «Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз» мавзусидаги тадбирда дунёда кечаётган ўзгаришлар билан бир қаторда жаҳон жамоатчилигини ташвишга солаётган иллатлар, хусусан, гиёҳвонликнинг салбий таъсири ҳақида сўз борди.

# Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — бош мақсадимиз



Маърузачи таъкидлаганидек, наркотик моддалар жаҳоннинг ривожланган мамлакатларига турли ноқонуний йўллар билан тарқалмоқдаки, ундан олиннадиган жиноий даромад терроризм, кўпуровчилик каби бошқа қора кучларни молиялаштириб, дунёда улкан жиноят турларининг вужудга келишига асос бўлмоқда.

— Тўғри, наркотик ва психотроп моддалар устидан халқаро назорат тизимини яратилган. Ҳозирда амал қилаётган қўптомонлама халқаро ҳужжатлар орасида 1961 йилдаги «Гиёҳвонлик воситалари тўғрисида»ги конвенция, 1971 йилда қабул қилинган «Психотроп моддалар тўғрисида»ги конвенция ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Психотроп ва гиёҳвон моддаларнинг ноқонуний айланishi»га қарши кураш тўғрисидаги 1988 йилдаги конвенцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин, — дейди Т.Матибаев. — Мазкур ҳужжатларнинг ҳар бири наркотик воситалар ва психотроп моддалардан фақат тиббий ва илмий мақсадларда чекланган ҳолда фойдаланиш борасида яқуний мақсадга эришишга қаратилган халқаро ҳуқуқ нормаларига эга. Афсуски, ана

шундай таъсир чоралари кўриляётганига қарамай, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Таъкидланганидек, оқ ажал ноқонуний савдоси бизнинг мамлакатимиз учун ҳам бегона эмас. Бироқ, мамлакатимиз ҳудудидagi чегараларнинг мустаҳкамлиги ва тинчлигимизнинг барқарорлиги сабаб, юртимиздан катта миқдордаги гиёҳвонлик воситаларини олиб ўтишга уриниш ҳолларининг олди олинмоқда. Бу баълога қарши ҳар биримиз курашишимиз лозим. Чунки бепарво бўлсак, оғоҳликни йўқотсак, унинг чангалига танишимиз, қариндошимиз, қўшимчимиз, фарзандларимиз тушиб қолишини унутмаслигимиз керак. Демак, оилаларимизга, фарзандларимиз келажига раҳна солаётган ва жиддий хавфга айланган гиёҳвонликка қарши биргаликда курашишимиз шарт. Шу орқали биз мамлакатимиздаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳисса қўшган бўламиз.

Бобур ОТАМУРОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

# Фуқаролар

## муурожаатларига бағишланди

### Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марғилон шаҳар кенгаши ва шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳамкорлигида «Фуқаролар муурожаатлари ҳамшиша эътиборда» мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

Унда шаҳар аҳолисига савдо ва маиший, почта ва алоқа хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган ҳўжа-дан ижтимоий субъектлар ва коммунал идоралар вакиллари иштирок этдилар.

Семинарда Ўзбекистон «Адолат» СДП Марғилон шаҳар кенгаши раиси Р.Аминов ва Марғилон шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси А.Эминов жорий йилнинг ўтган даври давомида ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларида фуқаролардан келиб тушган муурожаатлар, уларни ўрганиш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида маъруза қилдилар. Амалий ишлар самардорлигини янада оширишда партия ва Федерация ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини бераётганлиги алоҳида қайд этилди. 2010-2012 йиллар ва 2013

йилнинг ўтган даври давомида истеъмолчилардан келиб тушган муурожаатлар сони 2537 тани ташкил этди. Уларнинг 1895 таси ёки 74,7 фоизи ёзма шаклда, қолгани оғзаки муурожаатлардир.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳудудий партия ташкилотларининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг Федерациясининг ҳудудий бўлиmlари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, бунда барча даражадаги депутатлик бирлашмалари ва партия фаолларининг масъулиятини ошириш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш лозимлиги юзасидан тақлиф-таъсиялар ишлаб чиқилди.



# Бизнес лойиҳа муаллифларига кредит сертификатлари



## Жараён

Самарқанд шаҳрида "Адолат" СДПнинг вилоят Кенгаши партия Сиесий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Республика Марказий банки мутасаддилари ва бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида ўтказилган семинар тафсилотлари ҳақида гапиришдан олдин эътиборингизни оддий, айна чоғда ибратли бир мисолга жалб этмоқчимиз.

Пастдарғомлик тadbиркор аёл, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси Шарбат Шодмонова уч ой муқаддам БМТнинг ижтимоий кўмакка муҳтож ва жисмоний имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлаш грантини қўлга киритиб, хусусий корхонасини очди ҳамда 25 нафар ногиронни ўз қаноти остига олди. Аёлларнинг сержило сумкаларидан тортиб эшик-дераза пардалари ва ҳатто мактаб ўқувчиларининг кийим-кечакларини тайёрлашни ўзлаштирган жамоа фаолиятидан чет элда ҳам хабар топиб, қишлоқ аёлининг изланувчанлигига қойил

қолишди. Чунки дунёқараш кенг тadbиркор аёл корхона очиб баробарида бизнес йўналиши ва махсулот турларини реклама қилиш мақсадида интернетга ўз веб-сайтини киритди. Бугун тиниб-тинчиманган раҳбар бозор эҳтиёжини ва ўз жамоасининг манфаатдорлигини ўйлаб ишлаб чиқаришни кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун эса унга 50 миллион сўм қўшимча банк кредити сув ва хаводек зарур. Шунинг учун ҳам Шарбат Шодмонова "Адолат" СДП вилоят Кенгашининг ташаббуси билан ўтказилган ва айна шу йўна-



лишдаги муаммоларни ҳозиржавоблик билан ҳал этишга қаратилган амалий анжуманга биринчилар қатори ташриф буюрди. "Обод турмуш йили"да хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маиший шароитларини яхшилашда банк кредитларининг ўрни мавзусидаги семинар, айтиш лозимки, иштирокчиларнинг бирорта саволини жавобсиз қолдирмади. Бугунги жараёнда давлат ва нодавлат ташкилотларининг масалага ижтимоий шериклик нуқтаи назаридан манфаатдорлик билан ёндашишлари кўпгина ишларни ҳал этиш имконини беришини кўрсатди. Семинарда аҳоли фаровонлиги ва реал даромадлари муттасил ўсишини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, фермерликни янада ривожлантириш, ижтимоий эҳтиёжманд кишиларга ва кам таъминланган оилаларга давлат томонидан манзилли ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг асосий йўналиши эканлиги алоҳида таъкидланди. Режалаш-

тирилган вазифаларни амалга оширишда эса давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда сиёсий партиялар фаоллик кўрсатишга эътироф этилди. Кизгин савол-жавоблар остида ўтган семинарда "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари Мавлуда Нишонова, Умид Жуманиёзов ҳамда партия Сиесий Кенгаши Марказий аппарати Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Муҳаррам Дадахўжаева бу борада юзага келган қонунчилик ташаббуслари ва реал мисолларга асосланган маърузалар билан чиқиш қилдилар. Семинарда Республика Марказий банкининг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари Камрон Ўтбосаров ҳамда Самарқанд вилоятидаги тиждорат банклари вакиллари иштирок этишгани анжуманга амалий тус берди. Чунки банк мутасаддилари билан шу ернинг ўзиде бўлиб ўтган маълумот алмашишлардан сўнг ўн нафар тadbиркор аёлга ўз бизнесини бошлаши ва муваффақиятли ривожлантириш учун зарур бўлган кредит сертификатлари топширилди. "Адолат" СДП вилоят Кенгаши раиси Махмуд Бобойёров анжуманга ташриф буюрган депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликдан манфаатдор эканлигини, партия "Обод турмуш йили"даги дастурий вазифаларни амалга оширишда ижтимоий-сиёсий ташаббускорликни қўлайтиришини ва бу йўналишдаги ишлар қўйи партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг диққат-эътиборида бўлишини алоҳида таъкидлади.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

# Зулфияxonим қизлари "Адолат"ни танлашмоқда

Давоми. Боши 1-бетда



— Бугун ўз дунёқарашини, тeран фикрлари билан лол қолдирувчи, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни эъозлаган, тарихимизни яхши билган, юксак ахлоқий меъорларга эга, намунали ҳулқи ёшларимиз кўпчилигини ташкил қилиши ҳавас қиларли ҳол, албатта, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси З.Ботирова. — Мамлакатимизда илгор, иқтидорли қизларнинг ижтимоий фаоллиги, масъулияти ошиши ва жамият ҳаётида ўз ўрнини топишига имкон яратиш, оқила хотин-қиз кадрлар сафини кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича тақлифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони натижасида совриндорликни қўлга киритган 196 нафар иқтидорли қизларнинг аксарият қисмини бугун ҳаётнинг турли жабҳасида етакчи дейиш мумкин. "Адолат" СДП Марказий аппарати Хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Муҳаррам Дадахўжаева Зулфия мукофоти совриндорларининг жамият сиёсий ҳаётидаги ролини кучайтириш, уларнинг етакчилик қобилиятини юксалтиришга сиёсий партиялар томонидан алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини таъкидлади. Шу мақсадда истеъдодли қизлар сиёсий партиялар фаолияти ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари тажрибалари билан таништирилмоқда ҳамда улар сафидан "Адолат" СДПга хайрихоҳлик билдирганлар партияга аъзо қилиб олинмоқда. Жумладан, Ойдин Абдуллаева, Дилором Бердиева, Маҳзуна Абдурасулова, Камола Миршоева, Меҳриноз Аббосова, Улбосин Оринбаева, Айшолпан Оразимбетова, Бийбиназ Қаипова, Камилла Суярова каби зукко, билимли ва

иқтидорли қизлар "Адолат" СДП сафига қабул қилинди. Тadbир давомида Зулфияxonим издошлари фикрлари билан қиздик. — Мен маъмур тadbирда совриндор қизлар ўртасида партияларнинг дастурлари, мақсад ва вазифалари ҳамда Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар раҳбарлари, партияларнинг "Аёллар қаноти" етакчилари ва ибратли хотин-қизлар фаолияти билан кенгроқ танишдим. Бу эса, менинг ўз мақсад ва режаларимни янада кенгайтиришга ёрдам бериб, "Адолат" СДП гоилари менинг ҳаётимни қарашларимга ҳамоҳанг эканлиги боис, маъмур партияга хайрихоҳлик билдириб, аъзо бўлдим, — деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Меҳриноз Аббосова. Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг 60 фоиздан ортиги турли хорижий тилларни мукамал ўзлаштирган ва ўзлаштиришга ҳаракат қилаётган қизлардир. Уларнинг 80 фоизи мамлакатимизда фаолият юритаётган турли партияларнинг аъзолари, 70 фоиздан ортиги "Камолот" ЕИҲ фаоллари эканлиги қизларимизнинг билдирилиши юксак ишонч ва зиммаларидаги масъулиятни ҳис этишлари, юрт шаънини ҳимоя

қилишни ўзларига бурч деб билишлари, унинг тараққиёти ва келажагига бефарқ эмасликларидан далolat. — Мен ва тенгдошларим бир учунмиз, — деди Бийбиназ Қаипова. — Бизларнинг саъй-ҳаракатимиз эътибордан четда қолмасдан рағбатлантирилмоқда, яратилаётган замонавий имкониятлар туфайли ўз имкониятларимиз ва кучимизга янада ишончимиз ортиб бормоқда. Ижтимоий-маърифий тadbир давомида юртимизнинг энг илгор қизлари саналган Зулфияxonим қизлари Олий Мажлис депутатлари, партиялар раҳбарлари билан бирга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун жорий этилган 30 фоизлик квотани бажариш, аёллар масалаларини ҳал этишда партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўрни, депутатларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишлари юзасидан фикр алмашдилар. Тadbир сўнггида совриндорларнинг она-Ватани мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари янради.

Феруз ЖўРАЕВ, «Adolat» мухбири

# Очиқлик, хабардорлик ва ҳозиржавоблик

Давоми. Боши 1-бетда

Маълумки, юқорида қайд этилган қонунлар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ-ваколатларидан тўлароқ фойдаланган ҳолда жамиятдаги янгиланган жараёнларда мустақил тақлиф ва ташаббуслар билан иштирок этишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд вилояти шу йўналишдаги қонунларни шаклан ва мазмунан тўлдириши синови бўйича ҳуқуқий эксперимент "субъект" сифатида фаолият кўрсатаётгани эса ҳудуддаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда юзага келган муайян тажрибаларни баҳолаш, камчиликларни тузатишда парламент назорати керак эканлигини кўрсатди. Чунки Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳар иккала қўмита вакиллари вилоятга ташрифларидан мақсад ҳам биринчидан, фуқароларнинг ахборот олиш соҳасига оид қонун ҳужжатларини ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, маъмур йўналишдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилишдан, иккинчидан, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган вилоятда амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиш ва ниҳоят "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-

лари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Юридик ва жисмоний шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари бўйича зарур фикр ва тақлифлар олишдан иборат бўлди. Қўшма йиғилишда қайд этилганидек, вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ислохотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолиятининг кенг жамоатчиликни, миллий, хорижий оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида вилоятдаги 91 та давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахборот сиёсатини шакллантириш, амалга ошириш, миллий ва хорижий матбуотда ана шу идоралар фаолиятининг долзарб жиҳатларини ёритиш каби вазифалар юклатилган. Аҳоли ҳамда ОАВларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари фаолияти тўғрисида тезкор ахборот олиш йўлга қўйиш мақсадида интернет тармоғида маъмур идораларнинг веб-сайти — www.samarkand.uz мисол бўла олади. Маъмур сайтдаги маъмур рўқналарда қундали ахборотлардан тортиб барча турдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган бўлиб, ундаги ахборот ва маълумотлар деярли ҳар куни янгиланиб борилмоқда.



Қўшма йиғилишда яна шу нарсага алоҳида эътибор қаратилдики, вилоятда фуқароларнинг қабули, ариза, шикоят ва тақлифларини рўйхатга олиш ҳамда уларнинг назорати билан боғлиқ барча масалаларни маъмур компьютер дастурлари орқали корпоратив бошқаруш тизими йўлга қўйилган. Бу масала юзасидан эса доимий равишда мониторинг олиб борилмоқда. Фуқароларнинг муружаатларини кўриб чиқишда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш алоҳида назоратга олиниб, бу борада эътиборсизликка, қонун бузилишига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган. 2012 йилда фуқаролардан ви-

лоят, туман ва шаҳар ҳокимлигига йўлланган жами 20 мингтага яқин муружаатнинг аксарият қисми ижобий ҳал этилган. Олий Мажлис қўмиталарининг вилоят ҳокимлигидаги кенгайтирилган қўшма йиғилишда ҳудудда юзага келган ижобий тажрибалар билан бир қаторда юқорида тилга олинган қонунлар ижросини таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги, фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва муносабатлар бўлими раҳбарлари масаллари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ва Олий Мажлиснинг Демократик институтла-

ри, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ҳамда ҳар иккала қўмитанинг бошқа аъзолари томонидан зарур тақлифлар билдирилди. Йиғилиш иштирокчиси, "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутати Камола Ҳамидова парламент назоратининг аҳамияти ва Самарқанд вилоятида ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментнинг самарадорлиги, бу жараёндаги ютуқ ва муаммолар ҳақида шундай фикр билдирди: — Самарқанд вилоятида ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳасининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти оширишга таъминлашда аҳолини мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва туб янгиланишлар мазмун-моҳиятидан хабардор қилишда фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган нормалари самарадорлигини амалда текшириб кўриш имконини бермоқда. Фуқароларнинг муружаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасида Самарқанд вилоят ҳокими 2013 йил 28 январь ҳокими тасдиқлаган режа асосида ҳоким ўринбосарлари, ҳокимликнинг гуруҳ раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари томонидан фуқароларнинг ҳулосаларини ўрганиб чиқиш шу мақсадда жойларда сайёр

қабуллар ўтказишга зарур эътибор қаратилмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ҳокимликлар ҳамда бошқармаларда «Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини таъминлаш, фуқаролардан тушаётган тақдорий аризаларни чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш, хат эгаларига мазмунан аниқ жавоблар ишлаб чиқиш ва буни барча доимий комиссияларда муҳокама қилиб бориш тўғрисида қарори қабул қилинган. Лекин назорат-таҳлил тартиб-қоидадаги ўрганишлар маъмур қонун ижроси билан боғлиқ айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам кўрсатди. Жумладан, «Adolat» ижтимоий-сиёсий газетаси Ахборот, хат ва шикоятлар билан ишлаш бўлими томонидан Ургут туман Ипакли қишлоғидаги 6 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатаётган ҚВПга тегишли ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний ўзлаштирилаётганлиги билан боғлиқ масала ҳақида вилоят ҳокимининг www.samarkand.uz сайтининг виртуал қабулхонаси орқали 2013 йил 1 март куни муружаат қилинган. Маъмур муружаат бир ярим ой жавобсиз қолган, газета таҳририяти вилоят ҳокимлигининг виртуал қабулхонасига яна хат жўнатди. Вилоят ҳокимлигининг сайти орқали 2013 йил 25 апрелда таҳририятга йўлланган жавобда шикоятни кўриб чиқиш учун Ургут туман ҳокимлигига

қўшимча равишда топшириқ берилганлиги билдирилган. Лекин Ургут туман ҳокимлигидан таҳририятга тегишли жавоб бериб қайтарилмай қолинган. Ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган вилоятда бошқарув фаолиятининг очиқлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутсақ фуқароларнинг давлат идора, ташкилотларига йўлланган бирорта муружаати жавобсиз қолмаслигини тушуниб етасиз. Қўшма йиғилишда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Юридик ва жисмоний шахсларнинг муружаатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда зарур тақлиф ва мулохазалар билдирилди. Хусусан, вилоят Адлия бошқармаси ва сиёсий партияларнинг вилоятдаги Кенгашлари вакиллари маъмур қонунлар лойиҳаларининг айрим бандлари қай тарзда ифода этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги хусусида ўз муносабатларини баён этдилар. Қизгин баҳс-мунозаралар остида ўтган кенгайтирилган қўшма йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Олий Мажлис қўмиталарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбири

# Жараён

## Водийларни яёв кезганда...

### ёхуд дунё саёҳатини кўзлаётган партиядошимиз ҳақида

Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли давлатларида ўзининг ноодатий хатти-ҳаракатлари, ғайриоддий амаллари билан рекорд ўрнатаётган инсонлар ҳақида хабардор бўлиб турамыз. Улар орасида ҳозирги техника тараққиёти замонида минглаб километр масофани пиёда босиб ўтишга жазм қилаётганлар ҳам борлиги ажабланарли, албатта. Ана шундай спортчи сайёҳлар орасида 63 ёшни қаршилаганига қарамай юрт кезиш, эл таниш ва дунё айла-нишга бел боғлаган юртдошимиз Адҳам Ҳасанов ҳам борлиги эътирофга лойиқдир. Унинг Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоси эканлиги эса биз учун янада қувонарлидир.

Соғлом турмуш-тарзини ҳаётининг мазмунига айлан-тирган, ватанпарвар, куч-қувватга тўла ушбу партиядошимиз ҳали дунё бўйлаб сафарга чиқмаган бўлса-да, бундан тўрт йил муқаддам мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб бошлаган яёв саёҳати давомида барча вилоятларини айланиб чиқишга муваффақ бўлди. Яқиндагина Ўзбекистон вилоятлари бўйлаб амалга оширилган саёҳатининг сўнгги йўналишини забт этиб қайтган жаҳонгашта партиядошимиз билан суҳбатимиз унинг босиб ўтган йўллари, сафар давомида кўрган-кечирганлари ҳамда қизиқчилари ҳақида бўлди.

**— Аввало, мана шундай машаққатли саёҳатни бошлашга сизга нима туртки бўлганлиги хусусида гапирсангиз.**  
— Менда ёшлигимданок спортга иштиёқ баланд бўлган. Енгил атлетиканинг бир неча турлари билан ҳалигача шуғулланиб келаман. Асли касбим ҳайдовчи бўлганлиги боис менда узоқ йиллар давомида машинада босиб ўтган йўллари билан бўйлаб пиёда сайр қилиш истаги бор эди. 2008 йили газетада нидерландиялик 28 ёшли аёлнинг бир кечада 100 км. масофани пиёда босиб ўтгани ҳақида ўқиб қолдим. Ва бу менга кўндан бери ўйлаб юрган юртимиз ҳудудлари бўйлаб пиёда сайр қилиш истагини амалда рўёбга чиқариш учун туртки бўлди.

Даставвал тажриба сифатида Тошкент-Оҳангарон йўналишидаги 65 км. масофани пиёда босиб ўтдим. Кейин Тошкент-Чирчик ҳамда Тошкент-Янгийўл йўналиши бўйлаб юрдим. Шу йўл билан ўзимни ҳам руҳан, ҳам жисмонан синиб кўрдим ва катта сафарга бел боғлаш учун менда ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ва бошқа тегшли ташкилотлар томонидан берилган махсус руҳсатнома ҳамда менга билдирилган ишонч, йўл-йўриқ, маслаҳатлар, энг муҳими, турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг руҳий мадади билан 2010 йил 15 августда биринчи катта са-

фаримни бошладим. Тошкент марказий почтаси олдидадан старт олган 500 км.лик масофадаги мазкур саёҳатимни Тошкент-Наманган-Фарғона йўналиши бўйлаб амалга оширдим. Бутун куч ва иродамли тўплаб, йўлга тушдим. 17 кун деганда финишга — Аҳмад Фарғоний боғига етиб бордим. Шундан сўнг ўзимга бўлган ишончим, жонажон юртимизнинг қолган ҳудудларини ҳам пиёда кезиб чиқишга бўлган қизиқишим янада ортди ва саёҳатларимни давом эттирдим.

2011 йилда Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд-Қашқадарё-Бухоро йўналишидаги 1200 км.лик масофани 29 кунда, 2012 йилда Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд-Навоий-Бухоро-Хоразм-Қорақалпоғистон йўналишидаги 1350 км. масофани эса 41 кунда босиб ўтишга муваффақ бўлдим. Ва няхотта бу йилги саёҳатимни республикамизнинг жануби томон амалга оширдим. Одатдагидек, Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд вилоятлари орқали кўзланган манзил сари саёҳатим давомида 4-5 май кунлари Навоий вилоятининг Сармисобой дарасида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида ҳам бевосита иштирок этишга мушарраф бўлдим. Фестивалдан олган таассуротларим билан яна йўлимда давом этиб, Бухоро ва Қашқадарё орқали қадим Сурхон элига етиб бордим. Ушбу олис сафарим 33 кун давом этди. Бир сўз билан айтганда, ўтган тўрт йил давомидаги улуг аждодларимизнинг қадимги Буюк Ипак йўли бўйлаб юрган излари бўйлаб амалга оширган пиёда саёҳатим давомида босиб ўтган масофам 5500 км.дан ошиб кетди.

**— Бу каби пиёда саёҳатларни яққа-ёлғиз амалга ошириш, узоқ йўл азобларига дош бериш осонмаслиги аниқ, қолаверса, йўл хавф-хатардан ҳам ҳоли эмас, албатта.**

— Энг аввало шуни айтишни истардимки, бутун мамлакатимиз бўйлаб пиёда кезиб чиққан инсон сифатида юртимиздаги тинчлик, осудаликка

шукрона келтирдим. Сафарларим давомида ҳеч қандай безори ёки қиссавурга дуч келмадим, менга фақат кўнгли очик, меҳмондўст, зарур бўлганда ёрдам қилини чўзадиган яхши инсонлар рўбарў келишди.

Соғлигим ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳар гал сафар олдидадан тўлиқ тиббий текширувлардан ўтиб, тиббий комиссия сафарга яроқли, соғлиғида ҳеч қандай муаммо йўқ, деган хулосага келгандан кейин менга руҳсат берилди. Чунки мен узоқ сафарга ҳеч қандай ҳамроҳимиз, бир ўзим отланаётган эдим. Шу боис йўл қанчалик машаққатли бўлмасин соғлиғимда жиддий ўзгаришларни сезмадим.

Дастлаб Фарғона водийсига қилган сафаримда Қамчиқ довоидан ошиб ўтдим. Бу сафар унчалик қийинчилик туғдирмади. Чунки бу йўналишда сувсизлик, чанқоқ муаммоси мени умуман қийнамади. Аммо мен учун энг оғир, масъулиятли ва хатарли сафар Нукус финиши бўлди. Сабаби, Тошкент-Сирдарё-Жиззах-Самарқанд-Навоий-Бухоро-Хоразм-Қорақалпоғистон йўналишидаги масофа анча узоқ ва табиий иқлим шароити ҳам оғирроқ эди. Чунки мақсадга эришиш учун бир неча ўз километрга чўзилган Қизилқум чўлини босиб ўтишим керак эди. Чўлнинг ўзига хос куруқ ва жазирама иссиғи, гармселлар, ёввойи ҳайвонлар хатари — буларнинг барчаси соғлиғимга, ҳаётимга хавф соларди. Аммо ниятим соғлиғи, қолаверса, яқинларимнинг дуолари ва тилақлари ижобати тўғрисида ҳўзилган Қизилқум чўлини босиб ўтишим керак эди. Чўлнинг ўзига хос куруқ ва жазирама иссиғи, гармселлар, ёввойи ҳайвонлар хатари — буларнинг барчаси соғлиғимга, ҳаётимга хавф соларди. Аммо ниятим соғлиғи, қолаверса, яқинларимнинг дуолари ва тилақлари ижобати тўғрисида ҳўзилган Қизилқум чўлини босиб ўтишим керак эди.

Саёҳатларимни асосан катта магистрал йўллар бўйлаб амалга оширдим. Куннинг иссиғидан, ташналиқдан қийналганимда, ёнимда сув тугаб қолганида йўлдан ўтган-қайтган ҳайдовчилар менга идишда сув узатиб кетишарди. Чанқоқимни қондириб, нафасимни ростлаб, яна йўлда давом этардим. Нукусга кириб борганимда, юзим офтобда қуйиб, қорайиб кетди. Хатто яқинларим ҳам танимайдиغان

ҳолатга келиб қолдим. Саёҳатларим давомида чўпонларнинг ўтовларида, ҳаттоки, йўл қурилишидаги кран ва экскаваторларда тунашимга тўғри келган, бир-биридан қизиқарли ва ажабтовур воқеаларга ҳам учраганман. Масалан, Сурхондарёга қилган жорий йилги саёҳатимда Деҳқонобод туманининг қир-адирли жойларидagi қурилиш ишлари кетаётган ҳудудда курувчиларнинг вагонидида бир кеча тунаб қолдим. Шу ерда ёввойи тулкининг итлар билан дўстлашиб, бир идишдан овқат еяётганига гувоҳ бўлдим. Демак бундан қўрқиниб турибдики, турли шароитлардан келиб чиқиб, табиатдаги жониворлар ҳам ўзаро тил топиша оларкан...

**— Саёҳатларингиз давомида она юртимиз табиати, ҳудудларингиз ўзига хос қадриятлари, тарихий ёдгорликларингиз билан ақиндан танишиш имконияти катта бўлганлиги табиий. Олган таассуротларингиз ва келгусидаги режаларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Дарҳақиқат, «Юрган дарё...» деб бекорга айтишмас экан. Юртимиз ҳудудлари бўйлаб бири юмуш ёки хизмат сафари билан машина, автобус ёки поездда узоқ йўл юрганлар ораидада кўп топилади. Лекин жаннатмақом ўлкамиз бўйлаб яёв саёҳат қилишимиз ташти бошқача экан. Юртимиз табиатининг бунчалик турфа хил манзараларга бой эканлигини олдин сезмаган эдим. Ваҳоланки, ўша жойларга аввал ҳам борганман. Лекин бу ҳудудларини машинада босиб ўтганим учунда ҳам манзараларга унчалик эътибор бермаган эканман. Ўша жойлардан пиёда ўтганимда буни чўқур хис қилдим.

Сафарларим давомида юртдошларимизнинг қанчалик меҳмондўст, самимий ва



Ҳолатга келиб қолдим.

кўнгли очик эканлигига яна бир бор иқдор бўлдим. Масалан, қаерга борсам, ўша ердаги одамларнинг меҳр-оқибатида баҳраманд бўлдим. Кеч тушиб қолган пайтларда кўпинча хонадонларга кириб, тунашга ҳам тўғри келди. Ким-чира қилган бўлсам, очик кеча билан кутиб олиб, меҳмонлик ҳурматимни жойига қўйишди.

Турли ҳудудларнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналарига гувоҳ бўлдим. Чўпонлардан, ёши улуг кексалардан ҳар хил ўланлар, лапарлар, ривоятлар, илон тутувчилардан қизиқарли воқеаларни эътибор олдим.

Энг муҳими, тарихий шаҳарларимиздаги барча муқаддас қадимжоларни, тарихий обидаларни зиёрат қилиш насиб этди. Турли давлатлардан келган сайёҳлар билан ҳамсуҳбат бўлдим, биргаликда суҳбатлашдик. Улар ҳам пиёда сафарга чиққанини эшитиб ҳайратланишди.

Шунингдек, саёҳатларим давомида саҳий, ёрдамими аямайдиган танти инсонларнинг кўмаги менга далда бўлди. Хусусан, кўпгина шаҳар, туман ҳокимлари, айрим мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, ҳатто оддий юртдошларимиз ҳам моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашди. Саёҳатларимни асосан оиламнинг молиявий кўмағида амалга оширилганлиги учун менга кўрсатилган ҳар қандай кўмак сафарим давомида асқотди.

Келгуси режаларим дунё бўйлаб пиёда саёҳат қилиш, ўзбек фарзанди сифатида Гинеснинг рекордлар китобидан ўрин олишдир. Қолаверса, муқаддас Ҳаж зиёратига пиёда бориш ва Яратган олдидаги фарзимни адо этиш ҳам олий мақсадимдир.

**Илс САХАТОВ** суҳбатлашди.

## Сўраган эдингиз Вояга етмаганлар: ҳуқуқ ва бурчлар

Ўн тўрт ёшга тўлмаган, яъни вояга етмаган шахс билан қандай битимлар тузилади ва битимлар юзасидан қимлар жавобгар бўлади?

Р. Абдиев,  
Зомин тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддаси иккинчи қисмига асосан олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар қуйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақлидирлар:

- 1) майда маиший битимлар;
- 2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;
- 3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари бўйича, шу жумладан, ўзи мустақил тузган битимлар бўйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васий, агар улар мажбуриятнинг бузилишида ўзларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкий жавобгар бўладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар бўладилар.

Вояга етмаган болалар мулкка эга бўлиши мумкинми? Умуман, бундай мулк бола учун нимага керак?

О. Нарзиёв,  
Зарбдор тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 93-моддасига кўра, вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳада, мерос тариқасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгилловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюм-лар (кийим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Менинг 16 ёшли ўғлим оилавий шороит тўғрисида тадбиркорлик билан шуғулланыпти. Ўғлимни вояга етган деб топса бўладими? Бу қандай амалга оширилади, шу ҳақда маълумот берсангиз?

А. Болиев,  
Жиззах тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 28-моддасига асосан, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Саволларга Зомин туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси **Одил БАҲРИДДИНОВ** жавоб берди.

## Лойиҳа амалиётда

Давома. Боши 1-бетда

Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»-ги Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчилик хабардор қилишининг ҳуқуқий тартиб-таомиллари ва механизмларини аниқ тартибга солиши, аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар, энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қарорлар тўғрисидаги ахборотлардан кенг фойдаланишини таъминлаши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказишга оид фармойишининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб тажриба бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг мантисий давоми бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш, энг аввало қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштиришни таъминлайди, бу қонунга масъулият билан ёндашишни мустаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда Конституциянинг барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар ва қарорлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини мустаҳкамлайди. Айни пайтда ҳуқуқий эксперимент қонун лойиҳасидаги қондаларни синовдан ўтказиш ва қонун нормаларини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилган бўлади.

Ҳуқуқий эксперимент қонун

лоийҳасининг сифатини ошириб, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги бўшлиқларни бартараф этади, қонун лойиҳасининг зарурлигини ва самарадорлиги даражасини кўрсатиб, лойиҳа ижросининг дастлабки мониторингини олиб бориш ҳамда қонуннинг барқарорлигини таъминлаб, жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш имконини беради.

Ҳуқуқий тажриба самарадорлигини таъминлаш учун уни ўтказиш бўйича ишчи комиссиядан ташқари Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида ҳам ишчи гуруҳлар ташкил этилди ва бу борадаги ишлар жадал олиб борилюқда.

Мазкур фармойишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Бухоро

вилоят адлия бошқармасида 2013 йил 2 апрелда бошқарма бошлиғи томонидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, унда адлия органлари ва муассасаларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда турли мавзуларда матбуот анжуманлари ўтказиш, фаолиятни босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида тизимли ёритилиши ҳамда тажриба-синов жараёнида юзага келаётган муаммолар ҳамда қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар режаси доирасида 2013 йил давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолияти тўғрисида кенг жамоатчиликни бевосита хабардор қилишининг самарадорлиги ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ташкил этиш мақсадида ОАВлар билан ҳамкорликда жами 7 та матбуот анжуманларини ўтказиш режалаштирилган.

Шунга асосан «Тадбиркорга таянчмиз», «Хорижий инвестиция ва имтиёзлар» ҳамда «Аёл ва бола ҳуқуқлари» мавзуларида матбуот анжуманлари ташкил этилиб, бошқарма бўлиmlари ўз фаолияти доирасида олиб борилаётган ишлар борасида ахборот бериб ўтдилар.

Шу билан бирга, бошқарма бошлиғининг буйруғи билан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синов бўйича ҳуқуқий экспертиза доирасида ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилиниб, унга асосан Бухоро вилоят адлия бошқармаси иш юритувида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синов бўйича ҳуқуқий эксперимент дои-

расида 1 та Муваққат низом ва 5 та йўриқнома тасдиқланиб, бошқарма ҳамда тизимдаги барча идораларга етказилди.

Бундан ташқари, www.buxoro.adliya.uz расмий веб-сайтада бошқарма ҳақида бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлимда бошқарманинг вазифа, функция, ҳуқуқлари, бошқарма тузилмаси, раҳбарият, бошқарма ҳужжатлари, статистик маълумотлар, эълонлар ва бошқарма ҳақида ахборотлар жойлаштириб борилюқда.

Уч босқичи ўз ичига олган эксперимент давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган шахсларга, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бундай турдаги ахборот олишда кенг имкониятлар очиб берилади.

фотолавҳалар, «Обод турмуш йили» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 20 мартдаги Фармойиши ижроси юзасидан тадбирлар ва мақола, тадбиркорларнинг муножаатлари, қонунчиликдаги янгиликлар акс эттирилган ҳамда бошқарма билан қандай алоқа воситалари орқали боғланиш мумкинлиги ёритилган.

Ушбу веб-сайтада «Лойиҳа амалиётда» деб номланган кичик бўлим ташкил этилиб, тажриба-синов ҳақидаги маълумотлар ҳамда бошқа муҳим ахборотлар жойлаштириб борилюқда.

Тўлқин ОЧИЛОВ,  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# Хушёрлик ва ўзаро ҳурмат — юксак маданият белгиси

## Бизнинг шарҳ

Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида дунё бўйича йилига 1,24 миллион нафар одам ҳалок бўлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга қараганда эса, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик 15-29 ёшдаги инсонлар ҳаёт билан бевақт видолашишида энг асосий сабаб сифатида намоён бўлмоқда.

Юртимизда ҳар 3 хонадондан бири ўз шахсий автомашинага эга. Бу эса халқимиз турмуш тарзи яхшиланиши, фаровонликдан далолат. Айни пайтда транспорт тури ва миқдори кўпайиши йўл ҳаракати билан боғлиқ чора-тадбирларни янада кучайтиришни тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга, яъни йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда татбиқ этилмоқда. Утган давр ичида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши ва яқинда парламент томонидан янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати иштирокчиларига қўлайликлар яратиш ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Вазирилар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тўхташ ва тўхтаб туриш қондалари бузилганлиги учун транспорт воситаларини ушлаш ва тўхташ жойига мажбурий олиб келиш-

ни кўзда тутувчи меъёрлар киритилди. Қондан бирузган пиёдалардан шу жойда жарима ундириш тартиби сақлаб қолинди.

Шу билан бирга, транспорт воситаларини маст ҳолда телефонда гаплашган ҳолда бошқариш, ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камаридан фойдаланиш қондаларини бузиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик янада кучайтирилди. Йўловчиларни ташиш, транспорт воситаларини бошқариш учун гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари тақозо қилинди.

Янги тахрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг аввалгисидан фаркли жиҳатларидан бири шундаки, қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида масъул давлат органларининг ваколатлари янада аниқлаштирилди ҳамда ҳужжатда фуқароларнинг иштироки масалалари ўз аксини топди. Жумладан, фуқаролар тегишли органларга йўл белгилари, светофорлар, йўл чиқиқлари, йўл қоғламаларининг сизлиги билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан тақлифлар билан муносабат қилиш ҳуқуқи алоҳида мустақамлаб қўйилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, биз, тахририят ходимлари ушбу қонун ижроси амалий таъминланаётгани-

нинг ҳақиқий гувоҳи, иштирокчиси бўлдик. Хусусан, газетамиз муҳбири Ф.Эсоновнинг 2013 йил 21 июнь сонидан чоп этилган «Мутасаддилар диққатига» руқни остида «Йўл ҳаракати хавфсизлигига барчамиз масъулмиз, аммо...» сарлавҳали мақолада Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Байналмидал кўчасида пиёдалар, айникса, мактаб ўқувчиларининг қатнови кўплигига қарамай, автомобиль эгалари пиёдаларга йўл бермай ўтиб кетишлари, йўл чиқиқларининг кўринмас даражада ўчиб кетганлиги, шу сабабли уларни янгилаш тақлифини илгари сурган эди. Мақолада келтирилган фикр-мулоҳазалардан тўри хулоса чиқарган мутасадди ташкилотлар 10 кун муддат ичида йўл чиқиқларини янгилаш ҳақида қарор қабул қилиши, йўл чиқиқларини янгилаш ҳақида қарор қабул қилиши, бир қарашда унчалик муҳим аҳамиятга эга эмасдек туюладиган йўл чиқиқларининг янгилаши масаласи ижобий ҳал этилиши ҳайдовчи ва пиёдаларга масъулияти, хушёрлигини ошириш, қанчадан-қанча йўл ҳодисалари олди олиниб, инсонлар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

Шу ўрнида ушбу соҳада жаҳонда амалга оширилётган ишлар билан қизиқдик ва қўйида уларнинг айримлари билан ўртоқлашишни жоиз билдик. Масалан, Буюк Британияда йўл ҳаракати ҳодисаси оқибатида ўлим ҳолати юзага келиши бўйича қайд этилган кўрсаткич бошқа давлатларникига нисбатан анча паст, яъни 100 минг нафар аҳолига 5,4 нафар ҳалок бўлганлар тўғрисида келмоқда. Миллий статистика Бюроси маълумотларига кўра, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 19 фоизга қисқарган. Сўнгги 40 йил ичида эса 78 фоизга камайган.

«Бундай натижага йўл ҳаракати оид тизим ва қондаларни мунтазам такомиллаштириш орқали эришилмоқда», дейишади мутахассислар.

Мамлакатда ҳар йили йўл хавфсизлигига доир 100 га яқин изланиш ва тажрибалар олиб борилди. Аниқланишича, ҳайдовчиларнинг 5 фоизи тезликни оширган, 30 фоизи диққат-этибори бошқа нарсага бўлингани, 16 фоизи таваккалга берилиб кескин ҳайдашга одатлангани сабабли йўл ҳаракати ҳодисасига учрайди.

Шу сабабли Қиролликда ҳайдовчиларга автомобиль бошқаруви вақтида мобил телефон орқали гаплашиш ва чекиш тақиқланди. Йўл ҳаракати кодексига белгиланган қондаларга асосан йўл ҳаракати ҳодисаси (ЙХҲ) вақтида ҳайдовчи зарарли воситаларни истемол қилганлиги аниқланса, жазоси янада кескинлашди. Бундан ташқари, руқни бошқарётган автомобиль ҳайдовчиси егулик, таом тановул қилиши ҳам мумкин эмас, у бунинг учун ҳатто 8 ҳафта муддатга озодликдан маҳрум қилиниши мумкин. Бу каби қондаларнинг аксариятини қўлга туширишда вертолётдан туриб назорат қиладиган масъул ходимларнинг хизмати катта бўлади.

Умуман олганда, Британияга борган саёҳатчиларга уларни ҳеч ким назорат қилмаётгандек «алдамчи» таассурот туғилиши одатий ҳол. Сабаби йўл четларида қондаларнинг тўхтаб туриши, белгиланган тартибда жазо чораларини кўрадиган йўл патруль хизмати ходимларини кўриб бўлмайдди. Трассаларда камералар ўрнатилган бўлиб, тезлигини оширган ҳайдовчига ўша захотиёқ махсус мослама белги беради.

Айни пайтда Англия йўл ҳаракати хавфсизлигининг ўзига хос қўшқини ҳайдовчининг маҳорати юқори даражада бўлишини тақозо этади. Камдан-кам ҳолатларда британияликлар ҳайдовчилик гувоҳномасини биринчи марта даёқ қўлга киритишади. Учунчи ёки тўртинчи уринишдан сўнг олса ҳам дўпписини осмонга отишади.

Америка Қўшма Штатларида ҳам ҳуқумат йўл транспорт ҳодисасининг олдини олишга қаратилган қатор тадбирларни жорий этган. Шунга қарамай, ўлим ҳолатини келтириб чиқараётган ҳодисалар бўлиб ўтмоқда. Аниқланишича, транспорт ҳодисасининг 40 фоизи ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиб машина бошқариши оқибатида содир этилади. Статистик маълумотларнинг яна бирида ушбу ҳайдовчиларнинг ўртача ёши 16-24 ни ташкил қилиши қайд этилган. Транспорт ҳодисаси содир бўлишида мобил телефон орқали SMS-хабарлар алмашиниши ҳам сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Машинани бошқараётган мобил телефонда сўзлашиш бутун Америкада тақиқланган бўлса, SMS орқали суҳбатлашмаслик ҳақидаги қонда барча штатларда белгиланмаган. Масалан, Вашингтонда транспортлар билан тигиз кўчаларда ўрнатилган махсус экранларда ҳайдовчиларга рўлда SMS ёзиш қонунга ҳилоф эканлиги ёдга солиб турилади. Расмий маълумотларга қараганда, АҚШда ҳар йили йўл ҳаракати хавфсизлигига оид қондага амал қилинмаслиги оқибатида 1,5 минг нафар америкалик ҳалок бўлади ёки ногирон бўлиб қолади.

Баъзан ҳайдовчилар ўртасида низо келиб чиқади. Ана шундай ҳолатда қайсидир ҳайдовчининг кўпол муомиласидан азият чеккан фуқаро полициянинг ишонч рақамларига кўнгирок қилиши мумкин ва жанжалкаш ҳайдовчи ўша захотиёқ белгиланган тартибда жазоланади.

Автомашина эгаларининг тажовузкор ҳаракати Бельгия давлатининг ҳам энг катта муаммосидир. Мамлакатда йилига йўл транспорт ҳодисаси оқибатида ўрта ҳисобда 1000 нафар инсон ҳалок бўлса, 60 минг нафари турли даражадаги тан жароҳати олади.

Бельгияда ҳайдовчилик гувоҳномаси берилиши тизими бошқа давлатларникидан би-

роз фарқ қилади. Гувоҳномага даъвогар шахс 17 ёшга тулган бўлиши шартлигидан ташқари, у аввало назарий имтиҳондан ўтиши талаб этилади. Сўнг ҳайдовчи қўлга вақтинчалик гувоҳнома берилди. Шу пайтда ёш ҳайдовчи танлаш имкониятига эга бўлади, яъни ё у ушбу ҳужжат билан, аммо ёнида доимо тажрибали ҳайдовчи ўтириши ёки мустақил ҳаракатланиши учун 20 соатдан иборат амалий сабоқ олиши керак бўлади. Айни пайтда вақтинчалик гувоҳнома эгалари ҳаракати маълум маънода чегараланган. Уларга дам олиш ва байрам кунлари кечки вақт 22.00 дан тонгги 6.00 га қадар машина бошқариши ҳамда мамлакат ташқарисига чиқиши тақиқланади. Ҳақиқий ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиш учун вақтинчалик ҳужжат билан камида уч ой муддат ҳаракатланиши керак. Ушбу синов муддатидан сўнггина амалий имтиҳондан ўтади. Икки уринишда ҳам синовдан ўтолмаган номзод қўшимча тарзда 6 соат назарий билим олиши талаб этилади.

Туркияда ҳам йилдан-йилга транспортлар сони кўпайгани сабабли тигиз вақтда автомобильлар тирбанд жойлашиши қатор нуқулликларни келтириб чиқармоқда. Турк ҳайдовчиларини камар тақишга ўргатиш мушкул масала бўлиб келмоқда. Болалар учун мўлжалланган мосламадан ҳам камдан-кам ҳолларда фойдаланилади. Бироқ Туркияда болаларни олди ўриндиқда ўтказиб, машина бошқаришни ёқтиришади. Энг ажабланилиши, полиция ходимлари бундай ҳолатга юзаси қарашади.

Айни пайтда мамлакатда йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун солинадиган жарима миқдори аксарият қонунбузарларнинг кассасига салмоқли «жабр еткази» Чамаси 5-6 йил аввал йўл патруль хизмати ходимлари орасида таъмағирлар кўпайгани сабабли ходимларнинг фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш мақсадида аксарият ходимларнинг автомобилларига видеокамера ўрнатилди.


Йўл ҳаракати бўйича ўзига хос қонун-қондаларга эга давлатлардан яна бири Финландиядир. Гап шундаки, ушбу давлатда велосипедчилар албатта махсус бошқим билан ҳаракатланиши, пиёдалар кийимидега эса ёритувчи мослама ўрнатилган бўлиши шарт. Ушбу қондалар аҳоли зич жойлашган ва ёриткичлари кўп бўлган кўчаларда ҳам қўлланилиши талаб этилади. Маст ҳолда машина бошқарган ҳайдовчилар ҳайдовчилик гувоҳномасидан бутунлай маҳрум этилиши ёки қамоқ жазосини ўташи мумкин. Шу боис сўнгги йилларда фин ҳайдовчилари ўртасида машинага алкокулф деб аталувчи мослама ўрнатиш урфга айланди. Алкокулф ишлаш тамойили шундан иборатки, ҳайдовчи спиртли ичимлик ичганини «сезган» мослама машинани ҳаракатлантиришга «йўл қўймайди». Бунга қаранки, инновацион бир мослама онгли мавжудот қилибланган инсонни хато қилишдан тўхтаиб қўйса?.. Мамлакат мутахассислари ушбу қирилмани автомобиль ишлаб чиқарувчи барча корхоналардаёқ ўрнатиш фикрини илгари сурмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, қайси давлатда бўлмасин, автомобиль — инсонларнинг узогини яқин қилувчи бир восита, ҳолос. Уни қандай бошқариш ёки бошқармаслик инсоннинг ўзига боғлиқ. Транспорт ҳодисасининг олдини олиш мақсадида ҳайдовчи ва пиёдалар маданиятини оширишга барчамиз масъулмиз. Зеро, йўл транспорт ҳодисалари илдизига С,тун болта урма-каб, эртага шундай ҳолатдан сабр кўрганлар сони кўпайиши мумкин. Халқона айтганда, касалин даволагандан кўра, унинг олдини олган маъжул.

Саодат СОДИҚОВА,  
«Adolat» муҳбири

## Инсон ичагида янги вируслар

Одам ичакларида яшайдиган вирусларнинг генлари бир неча йил ичида мутация туфайли тубдан ўзгариб, бутунлай бошқача кўри-ниш олади.



Америкалик вирусологлар битта ёш кўнгилли ўспирин йигит танасида олиб борган 2,5 йиллик изланишлардан сўнг мана шундай хулосага келишди. Пенсильвания университети тадқиқотчилари ана шу икки ярим йил давомида 24 та биоматериал намуналарини танлаб олиб, улар орасидан вирусларнинг нуклеотид кетма-кетлигини қайта тиклаш учун вируслардан ДНК олишди. Олиб борилган ишлар натижасида 478 турдаги вируслар аниқланиб, уларнинг кўпчилиги бактериофаглар туркумига мансуб, деб топилди.

Аниқланган турларнинг 80 фоизи икки ярим йил ичида яшашни давом эттирди, аммо мутация тезлиги шу қадар юқори бўлдики, генетиклар суткасига юз минг нуклеотид мутация жараёнида иштирок этганини таъкидлашмоқда. Масалан, инсон геноми шимпанзе геноми билан солиштирилганда тахминан ҳар юз нуклеотиддан биттаси бошқача ва қолганлари бир хиллиги ҳамда бу иккала тур бундан етти миллион йил (2,5 миллиард кун) муқаддам иккига бўлингани ҳам фанга маълум.

## Антидемпинг солиғи

Хитойда винога бўлган талаб сўнгги йилларда ҳайратланарли даражада ошиб кетди ва Европа давлатларидан келтирилаётган винога нисбатан хитойликларнинг демпинг (нархни сунъий тушириш) текширувлари ўтказишни Франция ҳуқумати мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобламоқда. Европа Иттифоқи хитой товарларига антидемпинг солиғи жорий қилганидан бир кун ўтар-ўтмас Хитой унга жавоб тариқасида европа товарларини текширишга тушди.

Бозорда ўз ўрнига эга бўлиш мақсадида компания ўз маҳсулотларини унинг таннархидан ёки белгиланган меъёрлардан анча паст баҳода сотиши бизнес тилида «демпинг» деб аталади. Европа Иттифоқи раҳбариятининг фикрича, хитойнинг қуёш батареялари ишлаб чиқарувчилари айнан шу йўлни тумоқда. Хитой эса Европанин «адолатсиз» солиқлари устидан ўзининг қатъий норозилигини билдирмоқда.



Франция ва Ўртаер денгизи мамлакатларига нисбатан шундай сиёсат олиб бораётган бир пайтда Германия бундан четда қолаётгани эътиборни тортмасдан қолмайди. Чунки қуёш батареялари солик солиш тақлифи ўртага ташланганда Германия антидемпинг солиғига хайрихоҳлик билдирмаган эди.

## Олтиндан қувват олувчи автоклав



АҚШ муҳандислари африка мамлакатларида олтин заррачалари ёрдамида қуёшдан қувват олувчи автоклавлардан (герметик стерилизаторлардан) фойдаланишни тавсия қилмоқда. Хьюстондаги Райс университети физиклари ва муҳандислари қуёш энергиясига ишлайдиган стерилизаторни яратишди. Унинг ишлашини максимал даражага етказиш учун олимлар қуёш нурларини кенг спектрда ютишга қодир олтин нанозаррачаларидан фойдаландилар.

Олтин нанозаррачалар диаметри 140 нанометр ва деворининг қалинлиги 10 нанометр келадиган ичи қавақ сферага ўхшайди. Бундай сфераларни оптик микроскоплар ёрдамида ҳам кўриб бўлмайди, чунки улар бизга кўриниб турадиган ёруғлик заррачаларидан ҳам кичикроқ ўлчамда бўлади. Шунга қарамадан, бу нанозаррачалар қуёш нурини худди антенна сингари ўзига тўлиқ ютиб олади. Нанозаррачаларнинг спектри қуёш нури спектрига жуда ўхшаш ва айнан шу

сабабли улар ўз атрофидаги суяқлики анча самарали тарзда қиздира олади. Тажриба келадиган ичи қавақ сферага ўхшайди. Бундай сфераларни оптик микроскоплар ёрдамида ҳам кўриб бўлмайди, чунки улар бизга кўриниб турадиган ёруғлик заррачаларидан ҳам кичикроқ ўлчамда бўлади. Шунга қарамадан, бу нанозаррачалар қуёш нурини худди антенна сингари ўзига тўлиқ ютиб олади. Нанозаррачаларнинг спектри қуёш нури спектрига жуда ўхшаш ва айнан шу

Лиза ЯХЪКУЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига белгиланган йўл ҳаракати қондаларини бузилганлиги учун олинадиган жарималар миқдори

Қисқартирилган диспозицияси	Санкцияси
Мотошлемсиз ёки хавфсизлик камарисиз бошқариш	1/5 энг кам иш ҳақи миқдоридан жарима
Мажбурий техник кўриқдан ўтказилмаган носоз транспорт воситасини бошқариш	1/2 энг кам иш ҳақи миқдоридан жарима
Тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситасини бошқариш	Энг кам иш ҳақининг 1 баравар миқдоридан жарима
Кўзгусимон ва туси ўзгаририлган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан фойдаланиш	Энг кам иш ҳақининг 1 баравар миқдоридан жарима
1 йил давомида тақдоран фойдаланиш	Энг кам иш ҳақининг 2 баравар миқдоридан жарима
Товуш ва ёритиш қурималарини ўрнатиш	Энг кам иш ҳақининг 1 баравар миқдоридан жарима
Транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланиш	Энг кам иш ҳақининг 2 баравар миқдоридан жарима
Худди шу ҳуқуқбузарликни бир йил давомида қайта содир этиш	Энг кам иш ҳақининг 3 баравар миқдоридан жарима ёки 6 ойгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш
Транспорт воситаси саломи олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш	Энг кам иш ҳақининг 2 баравар миқдоридан жарима
Ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг 1 йил давомида тақдоран содир этилса	Энг кам иш ҳақининг 3-5 баравар миқдоридан жарима ёки 6 ойдан 1 йилгача транс. воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш
Белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш кодекснинг тегишли моддаси бандларига асосан йил давомида тақдорийлиги ва тезликнинг катталигига қараб	Энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 10 бараваргача миқдоридан жарима ёки 1 йилдан 2 йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади
Маст ҳолда ҳайдовчилик гувоҳномаси билан транспорт воситасини бошқариш	1 йилу 6 ойдан 3 йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш
Бошқарув ҳуқуқи бўлмаган шахс маст ҳолда бошқариши	Энг кам иш ҳақининг 30 баравар миқдоридан жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси
Маст ҳолдаги шахсга транспорт воситасини бошқаришга топшириш	Энг кам иш ҳақининг 15 баравар миқдоридан жарима ёки 2-3 йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш
Йўл транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш	Энг кам иш ҳақининг 30 баравар миқдоридан жарима ёки бошқариш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум этиш ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазоси
Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қондаларини бузиши, йил давомидаги тақдорийлигига қараб	Энг кам иш ҳақининг 3-15 баравари миқдоридан жарима
Пиёдаларнинг йўл ҳаракати қондаларига буйсунмаслиги, белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши	Энг кам иш ҳақининг 1/3 баравар миқдоридан жарима

# Бозор — фаровонлик кўзгуси



Юртимизда айна пишиқчилик палласи. Қайси ҳудудга борманг, деҳқон бозорларига қадам ранжида қилманг, ёз чилласида фарқ пишган турли сархил мева-чевалардан баҳраманд бўлишингиз мумкин.

Паркент тумани марказидаги «Паркент деҳқон бозори» МЧЖ жамоаси томонидан ҳам Президентимизнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолияти ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори юзасидан сотувчи ва истеъмолчиларга қулайликлар яратиш, барча

турдаги арзон ва сифатли маҳсулотларни етказиб бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилади. Айна пайтда ушбу бозор расталари ҳам юртимизда етиштирилган сархил ноз-неъматлар билан тўла.

Фулом ХИДИРОВ,  
«Adolat» мухбири

Суратларда: ёзнинг сархил мевалари.



# Ваколатлардан унумли фойдаланиш

## электорат манфаатлари ҳимоясининг муҳим омили

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш — рақобатбардош кўппартиявийлик тизими ривожининг муҳим омили» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ вазифалари ечимига таъсири ва улар томонидан жойларда қонунлар, давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ижроси устидан амалий назоратни таъминлаш масалалари бўйича услубий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, вакиллик демократиясининг рақобатбардош кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ҳуқуқий давлат қуриш ва мамлакатни демократик модернизациялаш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бунда сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги самарали вакилликни таъминлаш, ҳар бир партия доимий электорати манфаатларига мос келувчи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ вазифалари ечими бўйича иш жараёнига уларнинг таъсирини кучайтириш муҳим йўналишлардан биридир.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳаллий Кенгашлардан партия гуруҳларига сайланган депутатларнинг бирлашуви ва улар фаолиятини ташкил этилиши давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларида партия дастурий мақсадларини ва сиёсий йўналишларини амалий жиҳатдан илгари суриш миллий қонунчилигимизда назарда тутилган воситалардан бири эканлигини алоҳида қайд этилди. Депутатлик бирлашмаларининг самарали фаолиятини таъминлаш учун жойларда бевосита улар томонидан тизимли асосда ҳар бир партия электоратини ташвишга солувчи ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишни ташкил этиш, ушбу масалалар

ечими бўйича ҳокимиятнинг маҳаллий ва ҳудудий вакиллик органлари даражасида аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш ва тегишли кенгаш сессия, доимий комиссиялари йиғилишларида ушбу тақлифларни илгари суриш жуда муҳим эканлигига эътибор қаратилди.

Қолаверса, сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан яна бири улар томонидан жойларда қонунлар ва давлат қарорлари ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишдир. Бу масалаларда, иштирокчилар таъкидлаб ўтганидек, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари депутатлик сўрови ҳуқуқидан самаралроқ фойдаланишлари зарур. Сўнгги йилларда шаклланаётган амалиётлардан бири — партия депутатлик бирлашмалари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссия йиғилишларида мансабдор шахсларнинг қонунлар ва устувор давлат дастурлари ижроси тўғрисида ҳисоботларини эшитиш масалаларига эътиборни кучайтириш лозим.

Тадбир давомида маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар — партия гуруҳлари аъзоларининг ўз сайлов округларидаги самарали фаолиятини таъминлашнинг услубий ва амалий жиҳатлари ҳар томонлама таҳлил этилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси К.Ҳамидова ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлари Т.Матиев, А.Самеджанов, вилоят партия Кенгашлари раислари К.Шодиметов ва А.Турсуновлар кўрилатган масалалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдириб, партия позициясини намоён этдилар.

Ўз мухбиримиз

# Бола кулса, олам кулади

«Ёз — 2013»

Бўстонлик туманидаги «Юсуфхона» қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.



Оромгоҳнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева, касаба уюшмалари фаоллари ва қурувчилар иштирок этишди.

Пурвиқор тоғлар кўйида жойлашган «Ниҳол» оромгоҳининг бундан бир йил аввалги ҳолати ҳар қандай кишини таажубга солиши аниқ эди. Чунки эски бинолар, сим каровату тошйўлак ва майдончалар болаларнинг мароқли дам олишига тўқсинлик қиларди. Бугун эса оромгоҳнинг қиёфаси бутунлай ўзгача, кўрган кишининг кўнгли яйрайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан капитал таъмирдан чиқарилган оромгоҳ куни кеча ўз бағрига яна болажонларни қабул қилди.

— Оромгоҳда фарзандларимизнинг кўнглили ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди оромгоҳ бошлиғи Зуҳра Мағзумова. — Замонавий спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси, маънавият ва маърифат маркази, янги адабиётлар билан бойитилган кутубхона, компьютер хонаси, эстрада зали болажонлар ихтиёрида. Бундай шароитни кўриб, ўзимнинг ҳам завқим ошади. Шу боис янги «Ниҳол»ни ўз муддатидан бир йил аввал кичкинтойларга ҳаёта этган қурувчи ва ташкилотчиларга раҳмат айтгим келади.

Оромгоҳда айна дамларда 150 бола мириқиб дам олмақда. Малакали тарбиячи, етакчи ва мураббийлар болажонларнинг ёз завқидан баҳра олишлари учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Спорт ва фан тўғрақлари, компьютер ва инглиз тили курсларидан болаларга берилаётган сабоқлардан дам олувчилар жуда мамнун.

— Тоғ бағридаги оромгоҳга илк бор келишим, бу ернинг ҳавоси ва ҳамма шароитлар менга жуда ёқди. Энди ҳар йили шу ерга дам олгани келаман, — дейди Мираҳмад Турсунматов мамнунлик билан.

Бола кулса, олам кулади, дейдилар. Бугун «Ниҳол»да митти юраклари завққа, хурсандчиликка тўлган болажонлар дам олишмоқда.

Хусан АСРОПОВ

# Шодлик улашаётган «ШОДЛИК»

Хоразм вилоятида ўқувчиларнинг ёзги таътилини самарали ташкил этиш, уларнинг мазмунли дам олиши ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаши учун пухта тайёргарлик кўрилди.

Яқинда Урганч туманида «Шодлик» болалар оромгоҳининг янги биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағи ҳисобига барпо

этилган мазкур оромгоҳда болажонларнинг мириқиб дам олиши ва соғлигини мустаҳкамлаши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур масканда турли маданий-маърифий тад-

бирлар, тўғарак машғулоти ўтказилган заллар, дам олиш хоналари энг замонавий ускуна ва мебеллар билан жиҳозланган. Компьютер зали, спорт майдончалари дам олувчилар ихтиёрида.

Мазкур маскан болаларга чексиз қувонч улашиши билан бирга, уларнинг спорт билан шугулланиши, интеллектуал салоҳиятини ўстириши учун ҳам кенг имкониятлар яратади.

Reklama

## Жисмоний шахслар учун омонатлар

Жисмоний шахслар учун омонатлар — бу сизнинг бўш пул маблағингизни нафақат кўпайиши, балки унинг хавфсиз сақланиши.

**Сизнинг омонатингиз:**

- банк сири ҳисобланади;
- декларацияга киритилмайди;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади;
- ўз ихтиёрингиз бўйича чекланмаган тартибда фойдалана оласиз;
- қабул қилиш ҳажми чекланмаган.

«Ипотека-банк»даги омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

Тел.: (8-371) 150-89-17,  
(8-371) 150-89-57,  
(8-371) 150-89-58.

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## «O'NINCHI AVTOSAROY»

масъулияти чекланган жамияти

**«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.**

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобусларида 1 200 000 сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобусларида 800 000 сўм.

Чипта сотувчиларга ўртача иш ҳақи 400 000 сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси 20-уй.

## ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Суетлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талғат МУРОДОВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, хатлар ва шпектлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маънавият ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Ф.ЭСОНОВ. Навбатчи — Ф.ХИДИРОВ

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилди.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgz.uz  
adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 700. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 9100. Босишга топшириш вақти — 20.35. Босишга топширилди — 00.05

1 2 3 5

## «3-AVTOBUS SAROYI»

очиқ акциядорлик жамияти

**«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.**

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчилари учун 900-1 млн. 200 минг сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчилари учун 600-900 минг сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги олмазор кўчаси, 57-уй.

Телефонлар: 248-64-45, 248-64-46, 248-56-48.